

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2019 йил 11 ОКТЯБРЬ, ЖУМА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КUNДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 155 (14.002)

Баҳоси эркин нарҳда

МДҲ САММИТИ ОЛДИДАН САМАРАЛИ УЧРАШУВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун 10 октябрь кuni Ашхобод шаҳрига келди.

Ашхобод, 10 октябрь. ЎЗА махсус мухбири Зийёдулла ЖОНИБЕКОВ хабар қилади.

Ашхобод халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раиси ўринбосари Эсенмурат Оразгелдиев кутиб олди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ашхободга келган, Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимўхамедов билан учрашди.

Сухбатда давлатимиз раҳбари Туркменистон Президентини Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига самарали раислик қилгани билан табриқлаб, ташкилот саммити муваффақиятли ўтишини тилади.

Учрашувда олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш истиқболлари муҳокама қилинди.

Шунингдек, халқаро сиёсат ва минтақавий ҳамкорликка доир долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шу кuni Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ашхобод шаҳрида Молдова Республикаси Президенти Игорь Додон билан учрашди.

Учрашувда мамлакатларимиз ўртасида узоқ мuddатли ишбилармонлик алоқаларини йўлга қўйиш ва амалий ҳамкорликни ривожлантириш муҳимлиги қайд этилди.

Ўзаро алмашинувларни фаоллаштириш ҳамда турли тармоқлар учун истиқболли лойиҳаларни биргаликда ишлаб чиқишга келишиб олинди.

Халқаро ва минтақавий ташкилотлар до-

ирасидаги ҳамкорликни кенгайтириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

МДҲ саммитининг асосий тадбирлари 11 октябрь кuni бўлиб ўтади.

Жаҳон миқёсида жадал ўзгаришлар рўй бераётган, глобал хатар ва таҳдидлар кучайиб бораётган бугунги кунда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг аҳамияти нақадар долзарб эканини даврнинг ўзи исботламақда.

Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, кўп қиррали ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун муҳим бўлган ушбу платформа бугунги кунда аъзо давлатларнинг ўзаро манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, тўғридан-тўғри мулоқот олиб бориш ва долзарб мавзулар муҳокама сиёсатида фикр алмашиш сингари имкониятларни тақдим этмоқда.

Мажлисида Ҳамдўстлик доирасида кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган комплекс масалаларни муҳокама қилиш, шунингдек, томонларни қизиқтирган халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашиш режалаштирилган.

Саммит якунида бир қатор ҳужжатлар, жумладан, 2020 йилда МДҲда раисликнинг Ўзбекистон Республикасига ўтиши тўғрисида қарор, Стратегик иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида декларация, 1941–1945 йилларда Улуғ Ватан урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги муносабати билан МДҲга аъзо давлатлар раҳбарларининг Ҳамдўстлик мамлакатлари халқлари ва халқаро ҳамжамиятга мурожаати, 2020–2022 йилларда терроризм, экстремизм ҳамда зўравонликнинг бошқа кўринишларига қарши курашиш бўйича ҳамкорлик дастурини қабул қилиш кўзда тутилган.

ЎЗА

МДҲ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ

Ашхободда 11 октябрь кuni Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтади.

Ушбу анжуман олдида МДҲ Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг мажлиси ўтказилди. Унда саммит кун тартибига тақдим этиладиган ва бошқа долзарб масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Ийгилишда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов бошчилигидаги делегация ҳам иштирок этди.

Делегациялар раҳбарлари Ҳамдўстлик доирасидаги ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари ҳамда халқаро сиёсатнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашилди.

МДҲ мамлакатлари ўйинлари, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, гиёҳванд, психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасига қарши курашиш каби қатор масалалар муҳокама қилинди.

Мажлисида қатор ҳужжатлар лойиҳалари кўриб чиқилди. Улар МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида тасдиқланиш учун киритилди.

Шу кuni Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов Марказий Осиё мамлакатлари ва Россия ташқи сиёсат идоралари раҳбарларининг иккинчи учрашувидан иштирок этди.

Қозғоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон ва Россия ташқи ишлар вазирлари бар-

қарорлик ва хавфсизликни таъминлаш, минтақавий иқтисодий ҳамкорлик истиқболлари, маданий-гуманитар соҳадаги алмашинувларни фаоллаштириш масалалари бўйича фикр алмашилди.

Учрашувда Марказий Осиё давлатлари ва Россия ҳамкорлигини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, қўшма иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш, ўзаро савдо ҳажмларини кўпайтириш борасидаги таклифлар ҳам муҳокама қилинди.

Вазирларнинг мазкур форматдаги учрашувини доимий ўтказишга келишиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Ўзбекистон, Қозғоғистон ва Туркменистон ўртасида уч мамлакат Давлат чегараларининг тутас нуктаси ҳудуди тўғрисидаги шартномани (2017 йил 10 ноябрда Самарқанд шаҳрида имзоланган) ратификация қилиш тўғрисидаги ёрликларни алмашиш маросимида иштирок этди.

Ҳужжатни, шунингдек, Қозғоғистон Республикаси ташқи ишлар вазири Мухтор Тлеуберди ва Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раиси ўринбосари, ташқи ишлар вазири Рашид Мередов ҳам имзолади.

Имзоланган баёнотга кўра, ҳужжат 2019 йил 10 октябрдан кучга кириди.

Зийёдулла ЖОНИБЕКОВ, ЎЗА махсус мухбири



МАМЛАКАТИМИЗДА

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йиғирма учинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади.
- Мамлакатимизда расман фаолият кўрсатган бешта сиёсий партия Марказий сайлов комиссиясига шу йил 22 декабрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловларда иштирок этиш учун зарур ҳужжатлар ҳамда имзо варақаларини тақдим қилди.
- Андижонда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгаши томонидан "Сайлов жараёнида партия фаолиятини ёритишнинг янги асослари" мавзусида босма ва электрон оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида матбуот анжумани ўтказилди. Тадбирда журналистларга партиянинг ОАВ билан ҳамкорлиги, умуман, сайловга тайёргарлик ишлари, партия сайлов олдидан дастури, унинг муҳим йўналиш ва жиҳатлари ҳақида кенг маълумот берилди.
- Нукусда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, импорт маҳсулотларини оптимallashtiriш ва кооперация алоқаларини жадаллаштириш, жорий йилга белгиланган экспорт прогнози кўрсаткичларининг баҳарлишига бағишланган мажлис бўлиб ўтди.
- Ўзбекистон Халқ демократик партияси Жиззах вилояти кенгаши вилоят солиқни сақлаш бошқармаси билан ҳамкорликда "Аёллар солиғи – жамият бойлиги" шиори остида акция ўтказди. Акция давомида Зомин туманида Пишогор қишлоғида аёллар бепул тиббий кўриқдан ўтказилди. Тадбир аввалида партиянинг ҳудудий етакчилари томонидан тиббиёт ходимлари ва кўриққа қақирилганларга партия сайловидан дастури, унинг мақсад-вазифалари ҳақида маълумотлар берилди.

ЖАҲОНДА

- Жанубий Корея ҳукумати атмосферага чиқинди чиқариш меъёри бузилиши сабабли ички бозорда Audi, Volkswagen ва Porsche компанияларининг қатор автомобиллари сотувини тақиқлаш ниятида эканлигини билдирди. Бу ҳақда афро-муҳитни муҳофаза қилиш вазирлиги маълум қилди. Тақиқ дизель двигателлари билан жиҳозланган, хусусан 2014–2018 йилларда ишлаб чиқарилган Audi A6 40 TDI Quattro, Audi A6 50 TDI Quattro, Audi A7 50 TDI Quattro, Volkswagen Touareg V6 3.0 TDI BMT, Volkswagen Touareg 3.0 TDI 4 Motion ва Porsche Cayenne автомобилларига тегишли. Мазкур чора мутахассислар ушбу компаниялар чиқиндиларини ўлчаш усулларига ўзгартириш киритиши натижасида кўрсаткичлар пасайтириб кўрсатилгани, автомобиллар сотилиши учун лицензияни қўлга киритганини аниқлашганидан сўнг қабул қилинди. Бу моделдаги автомобилларни сотишни тақиқлашдан ташқари, вазирлик ушбу компанияларга 6,5 миллион долларгача жарима солишни ва компанияларнинг Жанубий Кореядаги фаолиятини текшириш юзасидан прокуратурага сўров юборишни режалаштирмоқда.
- Австралиянинг Янги Жанубий Уэльс штатида ўрмон ёнгинлари тобора авжига чиқмоқда. Бу ерда ёнгиннинг кенг ёйилиши натижасида 30 та уй қуйиб кул бўлди. Ўт ўчирувчиларнинг саъй-ҳаракатларига қарамай ҳозирда Янги Жанубий Уэльс ва Квинсленд штатларида яна қирқта нуктада ёнгинлар давом этмоқда.

ЕХҲТ ҲУЗУРИДАГИ ДОИМИЙ ВАКОЛАТХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) иштирокчи мамлакатларининг Вена шаҳридаги доимий вакилларидан иборат делегация мамлакатимизга келди.

Мазкур ташриф Ўзбекистоннинг Австриядаги элчихонаси томонидан ташкиллаштирилди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида 10 октябрь кuni делегация вакиллари билан учрашув бўлди.

Мулоқотда мамлакатимизнинг ЕХҲТ билан яқиндан ҳамкорлик қилишга тайёрглиги таъкидланди. Ўзбекистоннинг Ҳаракатлар стратегиясига мурвофиқ амалга оширилаётган ички ва ташқи сиёсатидаги кенг қўламли ўзгаришлар элчилар томонидан юқори баҳоланди.

ЕХҲТ ҳузуридаги доимий вакиллар минтақада мутлақо янги сиёсий муҳит шаклланишига, давлатлараро ишонч сезиларли даражада ошишига, аёнанавий дўстлик ва яхши қўшничилик мустаҳкамланишига олиб келган мамлакатимизнинг минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлади.

Делегация аъзолари шу кuni Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева билан учрашди. Унда меҳмонларга парламент юқори палатасининг фаолияти бўйича маълумот берилди.

Делегация аъзолари Ўзбекистоннинг ЕХҲТ билан ҳамкорлиги фаоллашгани, парламент аъзоларининг ЕХҲТ Парламент Ассамблеяси фаолиятида, унинг ҳар йилги сессияларида фаол иштироки бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Ўзбекистондаги кенг қўламли ислохотларнинг очиклиги, халқ билан тўғридан-тўғри мулоқот олиб борилаётгани, гендер тенглигини таъминлаш, оилани мустаҳкамлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, хотин-қизларга нисбатан зўравонлик ва таъзия қўйишга йўл қўймаслик бўйича қўрилаётган чоралар муҳимлиги таъкидланди.

Жорий йил 22 декабрь кuni мамлакатимизда бўлиб ўтадиган сайловни кузатишда ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг тўлиқ миссияси иштирок этиши кутилмоқда. Шу муносабат билан ЕХҲТ ваколатхоналари раҳбарлари Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзо-Улўғбек Абдусаломов билан ҳам учрашди.

Мулоқотда делегацияга мамлакатимизда парламент сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёни ҳақида маълумот берилди.

(Давоми 2-бетда)

Инсонпарварлиқнинг юксак намунаси

“МЕҲР-2”: ИРОҚДАН 64 БОЛА ЮРТИМИЗГА ОЛИБ КЕЛИНДИ

2019 йил 10 октябрь кuni Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев топшириғига биноан ўзбекистонлик 64 нафар бегуноҳ бола махсус авиарейсда Тошкент шаҳрига олиб келинди.

Ироқ давлати ҳукумати ва ЮНИСЕФ Халқаро болалар ташкилоти билан ҳамкорликда она Ватанига қайтарилган бу болалар Ироқ давлати ҳудудида оғир шароитда яшаётган эди.

“Меҳр-2” инсонпарварлик амалиёти доирасида юртимизга олиб келинган 39 ўғил ва 25 қиз боланинг орасида 14 нафар 3 ёшгача бўлган ҳамда 2 нафар ота-онасидан айрилган жажжи бола бор.

Гуманитар амалиёт ишчи гуруҳи томонидан айни пайтда турли халқаро террористик ташкилотларга аъзо бўлиб, ўзга давлатлар фуқаролари тинчлиги ва осойишталигига таҳдид солгани учун Ироқ давлатида 10–20 йил мuddатга озодликдан маҳрум қилинган ёки умрбод қамқоқ жазосини ўтаётган ўзбекистонлик аёллар билан тегишли суҳбатлар ўтказилди ва фарзандларини Ўзбекистонга қайтариш бўйича уларнинг розилиги олинди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу аёллардан айримларининг турмуш ўртоғи айни пайтда халқаро террористик ташкилотлар сафида қолаётган бўлса, бир қисми жанговар

ҳаракатлар давомида аянчи ўлим топган, қолганлари эса Ироқ ва Сурия қамқоғоналарида жазо ўтамоқда.

Афсуски, тўғри йўлдан адашиб, бошқа давлатлар орқали “уруш ўчоқлари”га бориб, халқаро террористик ташкилотлар сафига қўшилган ота-оналар фарзандлари руҳий ва жисмоний қийинчиликларга дуч келган.

Эндиликда бу болалар барча қулайликларга эга соғломлаштириш муассасасига жойлаштирилди. Мутахассислар уларга ҳар томонлама тиббий, психологик ва ижтимоий ёрдам кўрсатади. Болалар учун иссиқ овқат ташкил этилиб, янги кийим-кечак билан таъминланади.

Уларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни расмийлаштириш, ҳомиёлар ва васийларга бириктириш, боғча, мактабга жойлаштириш масалалари ҳам ҳал этилади.

Давлатимиз раҳбарининг бағрикенглик сиёсати асосида амалга оширилаётган “Меҳр” инсонпарварлик амалиёти давом этади ва ҳеч бир Ўзбекистон фуқароси ҳимоясиз қолмайди.

Анора СОДИҚОВА

Жаҳон чемпионати – 2022

ТЕРМА ЖАМОАМИЗ ВА НИҲОЯТ ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ

Мамлакатимиз футбол бўйича миллий терма жамоаси 2022 йили Қатарда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионати саралаш ўйинларидаги иккинчи ўйинини Яман термасига қарши ўтказди.

Хабарингиз бор, Ўзбекистон терма жамоаси саралаш баҳсларининг “D” гуруҳида Саудия Арабистони, Фаластин, Яман ва Сингапур миллий термалари билан ўзаро рақобатлашмоқда.

“Пахтакор” марказий стадионида Яманга қарши ўтган учрашув-



да Вадим Абрамов бошчилигидаги терма жамоамиз 5:0 ҳисобида зафар кучиб, муҳим уч очкони қўлга киритди. Терма жамоамизга ғалаба келтирган голлар Жаҳон Қодирқулов, Элдор Шомуродов, Жамшид Исқандеров, Ислон Тўхтаўжаев, Игорь Сергеев муаллифлик қилди.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон миллий терма жамоаси саралаш босқичидаги учинчи ўйинини 15 октябрь кuni сафарда Сингапур термасига қарши ўтказди.

Жавоҳир ТОШҲУҲАЕВ, ЎЗА мухбири

ҚИСҚА САТРЛАРДА

- Тошкент шаҳар Маҳаллалар кенгаши томонидан “Маҳалла хоккей” лойиҳаси ташкил этилди.
- Сергели туманида 200 ўринга мўлжалланган инглиз ва хитой тилларига ихтисослаштирилган янги болалар боғчаси очилди.
- Шаҳримиздаги “Дўстлар боғи”да “Ижтимоий ҳимоя ва фаровонлик учун курашамиз!” шиори остида тарғибот тадбири ўтказилди.
- Ёшлар пресс-клубида ёзувчилар ва шоирлар иштирокида учрашув бўлиб ўтди.

Шиддат билан ривожланиб бораётган давр талаблари барча соҳалар сингари, ички ишлар органлари ходимларидан ҳам ҳар куни ўқиб-ўрганиш, ўз устида ишлаш, билим ва савияси, малакасини доимо ошириб боришни тақозо этади.

Зеро, мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси билан узвий боғлиқ бўлган "Хавфсиз шаҳар", "Хавфсиз пойтахт", "Хавфсиз туризмни таъминлаш", "Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш", "Хавфсиз хонадон" каби ўзига хос янги концепцияларни ижтимоий ҳаёта жорий этиш, халқ билан мулоқот қилиш соҳада фаолият кўрсатаётган ҳар бир ходимдан чуқур билим ва ақл-заковатни талаб этади.

Айни кунларда ИИБ Малака ошириш институти профессор-ўқитувчилари томонидан Тошкент шаҳар туманлар ва шаҳарлар ички ишлар органларининг таъминий бўлим бошлиқлари, жиноят-қидирув бўлимлари тезкор вакиллари, тергов бўлимларининг терговчи ва суриштирувчилари, хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармалари таҳлил ва мувофиқлаштириш бўлимлари ходимлари учун малака ошириш сайёр ўқув йиғинлари ўтказилмоқда.

Ўқув йиғинларида давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ички ишлар органлари фаолиятига оид долзарб вазифалар, уларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти, соҳага оид қабул қилинган янги норматив-ҳуқуқий ҳамда идоравий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талаблари билан таништириш ва улар асосида хизмат фаолияти самардорлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимизнинг ташаббуси билан юртимизда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш ҳамда жиноятчиликка қарши курашнинг мутлақо янги – "Жи-

ноятга қарши курашиш ҳақиқати ва адолати" деган тизимини қарор топтириш, ички ишлар органларини халқчил давлат идорасига айлантиришга қаратилган изчил ислохотлар амалга оширилмоқда, – дейди ИИБ Малака ошириш институти бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор Нуриддин Норматов. – Бунинг натижасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка

тажрибаси" амалий мисоллар орқали тушуштириб беришмоқда.

Ўқув йиғинида аҳоли билан мулоқот қилиш маданияти, маҳаллаларда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишда давлат ва жамоат ташкилотлари, кенг жамоатчилик билан ҳамкорлик қилиш механизмларини соҳа ходимларига етказишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ЖОЙЛАРДА САЙЁР ЎҚУВ ЙИҒИНЛАРИ ЎТКАЗИЛМОҚДА

қарши курашиш борасида сезиларли ютуқларга эришилмоқда. Энг муҳими, ҳуқуқбузарликларнинг оқибатлари билан курашиш эмас, балки барвақт олдини олиш, содир этишга имкон берган сабабларни ўз вақтида аниқлаш соҳа фаолиятининг кундалик мезонига айланди.

– ИИБ Малака ошириш институти томонидан ташкил этилган навбатдаги сайёр ўқув йиғини касбий билимларимизни янада оширишга хизмат қилади, – дейди Юнусобод тумани ИИБ Тергов бўлими катта терговчиси, майор Фарҳод Абдуллабеков. – Институт профессор-ўқитувчилари хизмат фаолиятимизга оид қабул қилинган қонун ҳужжатлари талаблари, ҳар бир ҳуқуқбузарликнинг барвақт олдини олиш ва унга қарши курашишда илмий ёндашувлар, "ҳудудлар

Шунингдек, институт профессор-ўқитувчилари жойларда ўтказилаётган сайёр ўқув йиғинлари доирасида таълим муассасаларида маънавий-маърифий учрашувлар ва ҳуқуқий тарғибот тадбирларини ҳам уюштиришмоқда.

Хусусан, Ички ишлар вазириликка қарашли Фарғона академик лицейи ҳамда Учтепа тумани 283-сонли умумтаълим мактабида ўтказилган маънавий-маърифий тадбир "Ёшларда юксак маънавият ва қонун устуворлиги асосида яшаш, эл-юртга садоқат, адолат, ҳалоллик ва жасорат фазилатларини камол топтириш" мавзусига бағишланди.

Ушбу тадбирларда ёшларга адолат, одиллик, ҳалоллик, садоқат, сўз ва амал биллиги, халққа хизмат қилиш каби эзгу тушунчаларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти тушуштириб берилмоқда.

Айни пайтда китобхонлик маданиятини юксалтириш масалаларига урғу берилмоқда.

– Мазкур учрашув бизлар учун катта сабоқ бўлди, – дейди Олмазор туманида жойлашган Тошкент тиббиёт академиясига қарашли академик лицейининг 2-босқич ўқувчиси Манзураҳон Мухамеджанова. – Биз, ёшларга яратиб берилган шарт-шароитлардан унумли фойдаланиш, Президентимиз томонидан илгари сурилган 5 та ташаббус ҳамда китобга меҳр қўйишнинг аҳамияти ҳақида тушунчалар берилганлиги биз учун муҳим йўл-йўриқ бўлди. Мазкур тадбирда билдирилган фикрлар, тавсиялар ўз ўстида мунтазам ишлаш, интилиш ва изланишга чорлайди. Айниқса ўтказилган "Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси" мавзусидаги виторина биз учун дастлабки синов бўлди. Баҳс-мунозараларга бой бўлган мазкур виторина орқали ҳуқуқий билимларимизни яна бир бор мустақамлаб олдик.

– ИИБ Малака ошириш институти мутахассислари томонидан мактабимизда ўтказилган тадбир тенгдошларимиз катори менда ҳам катта таассурот қолдирди, – дейди Учтепа тумани 283-сонли умумтаълим мактабининг 11-синф ўқувчиси Нурилло Чориев. – Унда бизга тинчликни қадрига етишимиз, уни сақлашда нима ишлар қилишимиз зарурлиги аниқ мисоллар билан тушуштирилди. Айниқса ўтказилган виторинада берилган саволлар ҳам қизиқарли бўлди. Бундай тадбирларнинг тез-тез ўтказилиши ҳуқуқий билимларимизни оширишга хизмат қилади.

Академик лицейлар ва умумтаълим мактабларида бу каби сайёр ўқув йиғинлари, тарғибот тадбирлари ва маънавий-маърифий учрашувлар давом этмоқда.

Зиёда РАСУЛОВА

ЕХҲТ ХУЗУРИДАГИ ДОИМИЙ ВАКОЛАТХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ушбу муҳим жараён – "Янги Ўзбекистон: янги сайловлар" шиори остида ўтказилган. Энг илғор халқаро стандартлар асосида, қисқа фурсатда мустақил Ўзбекистон тарихида илк бор Сайлов кодекси лойиҳаси ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Мазкур кодекс Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенати аъзолари, вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари сайловларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишда ҳамда фуқароларнинг ҳоҳиш-иродаси эркин билдирилишини таъминловчи қарорларнинг белгилаиди.

Янгиликлардан яна бири, бу йил сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати шакллантирилган. Сайловда 20 миллион 600 миң нафар фуқаро овоз бериши кутилмоқда. Марказий сайлов комиссияси томонидан овозларни қайта санаши, сайловчилар мурожаатларини кўриб чиқиш ва сайлов натижаларини эълон қилиш бўйича кўзим лойиҳаларини ишлаб чиқиш режалаштирилган.

– Мамлакатимизда кўплаб соҳалар қатори демократик сайловлар йўналишида олиб борилаётган чора-тадбирлар куллаб-қувватлаётган, – деди ЕХҲТнинг Словакия бўйича вакили Катерина Жакова. – Биз Марказий сайлов комиссияси билан сайловлар соҳасида ҳамкорлик қилишга, бу борада ўз тавсияларимизни беришга тайёрмиз.

Дипломатлар таъриф довомида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг мамлакатимизда ОАВ эркинлигини таъминлашнинг долзарб масалалари ва соҳада олиб борилаётган ислохотларга бағишланган давра суҳбатига иштирок этиш учун Самарқанд шаҳрида ҳам бўлди.

**Абдулазиз МУСАЕВ,
Малоҳат ХУСАНОВА,
Ўза мухбирлари**

ЎЗБЕКИСТОН АГРАР ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ТАЛАБАЛАРИ ГЕРМАНИЯДА АМАЛИЁТ ЎТАШМОҚДА

Ўзбекистон ва Германия ўртасида олий таълим соҳасида, хусусан, университетларро алоқалар, профессор-ўқитувчилар ва талабалар алмасишуви, амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича мамлакатимизнинг Берлиндаги элчихонаси томонидан мақсадли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, элчихона ташаббуси билан Германияда ўқув амалиётларини мувофиқлаштирувчи "PRAXX" дастури доирасида айни пайтда мамлакатимиз кишлоқ ҳўжалиги олий ўқув юр்தларининг 60 нафар талабаси Германиянинг соҳага иختисослашган компания ва фирмаларида 6 ойлик амалий машғулотлар ўташмоқда. Мазкур амалиёт доирасида Берлин шаҳрида ўзбекистонлик талабалар учун "PRAXX" томонидан уч кунлик ўқув-амалий семинар ташкил этилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, "PRAXX" лойиҳаси 2016 йил ташкил этилган бўлиб, ундан қўзланган мақсад – ҳамкор мамлакатларда турли таълим йўналишларида тахсил олувчи талабаларга Германияда ўқув амалиётга ўташ учун зарур шарт-шароит яратиш беришдан иборат.

Ўзбекистон билан самарали ҳамкорликдан мамнунми, – дейди "PRAXX" ташкилот раҳбари Иргард Ренне-майер. – Айни пайтда Тошкент, Самарқанд, Андижон ва Термиз шаҳарларининг кишлоқ ҳўжалигига иختисослашган олий ўқув юр்தларининг талабалари ветеринария, боғдорчилик, сўт маҳсулотларини қайта ишлаш, пиллоқ ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда ўз билим ва тажрибасини оширмоқда. "PRAXX" 2016 йил ташкил этилган бўлиб, ўзбекистонлик ёшлар бу йил иккинчи марта лойиҳаимизда иштирок этмоқда. Лойиҳа қатнашчилари махсус танлов асосида саралаб олинган. Шу ўринда ўзбекистонлик талаба ёшларининг билимга ниҳоятда чанқоқлиги ва меҳнатсеварлигини алоҳида таъкидламоқчимиз. Ушбу фикримиз биз билан ҳамкорлик қилаётган компаниялар ва вакиллариининг ўзбекистонлик ёш амалиётчилар шаънига айтилган ижобий баҳоалари ҳам тасдиқлайди.

– Германияга ўқув-амалий сафар талабаларимиз учун фойдали бўлмоқда, улар ўз билим ва малакасини янада бойитишмоқда, – дейди Тошкент давлат аграр университети Халқаро алоқалар бўлими бош мутахассиси Гулзода Диёрова. – Бу эса ўз навбатида уларнинг келажақда танлаган соҳалари бўйича етук мутахассис бўлишида ҳамкорлик янада кенгайтириши, ўзаро маънавият дустурлар давомили бўлишига ишонамиз.

– Германияга келганимга 3 ой бўлди, – дейди Тошкент давлат аграр университети 4-курс талабаси Муроджўжа Ақромов. – Ўтган вақт мобайнида турли ташкилотлар вакиллари билан учрашдик, кўп шаҳарларда бўлдик. Барча назарий ва амалий билимимизни халқаро миқёсда синаш имкониятига эга бўлмоқдамиз. Бу ерда олган тажриба ва малакамизни она юртимизда амалиётга таъбиқ этиш ниятидаимиз.

– Кишлоқ ҳўжалигидида ишлар тупроқ унумдорлиги ва иқлим шароитига боғлиқ бўлганлиги сабабли бу соҳани қатъий қондалар асосида ўрганиб мураккаб бўлади, – дея фикр билдирди Тошкент давлат аграр университети 4-курс талабаси Шайхона Холмуҳамедова. – Шу боис кишлоқ ҳўжалигини турли минтақа ва шароитларда ўрганиш талабаларнинг мазкур соҳада етук мутахассис бўлишида муҳим омил саналади, деб ўйлайман. Германиядаги амалиёт нафақат соҳага доир билимимизни бойитди, балки кишлоқ ҳўжалиги ҳақидаги тасаввуримизни ҳам янада кенгайтирди. Мен Германия кишлоқ ҳўжалиги тараққиётида мамлакатнинг санатлашганлик даражаси муҳим аҳамият касб этганини кузатадим. Ушбу омил Ўзбекистон кишлоқ ҳўжалигининг барқарор истиқболини таъминлашда ҳам муҳим роль ўйнаши шубҳасиз.

– Институтимиз кўп йиллардан буён Германия кишлоқ ҳўжалиги тармоқлари билан ўзаро ҳамкорлиқни йўлга қўйган бўлиб, талабалар алмасишувини самарали амалга оширмоқда, – дейди Самарқанд ветеринария медицина институти 4-курс талабаси Саидова Азиза. – Амалиётимизнинг сифати ва мазмунидан мамнунми. Германия кишлоқ ҳўжалигида меҳнат унумдорлиги жуда юқори, барча иш кўламини тўлиқ технологиялаштирилганини кўрдик. Бу жараённи ўрган эканми, ёш мутахассислар сифатида мамлакатимизда мазкур соҳани янада ривожлантириш учун масўллимиз, негадир юқори эканини ҳис қилмоқдамиз.

Ўзбек талабалари ва уларнинг хориқлик тенгурлари амалиёт доирасида Ўзбекистоннинг Берлиндаги элчихонасига келиб, мамлакатимиз дипломатик ваколатхонаси фаолияти билан яқиндан танишди.

Ийгиликларга Ўзбекистон ва Германия ўртасида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий-гуманитар соҳаларда амалга оширилаётган ҳамкорлик натижалари тўғрисида батафсил маълумот берилди. Айниқса, жорий йилнинг 22 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ўтказилгандаги сайловга тайёргарлик жараёни меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди. Ўз навбатида, талаба ёшларининг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа бўлган ушбу сайловда фаол қатнашиш истагини билдирди.

"Дунё" АА,
Берлин

Очиқ мулоқот

ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲАР БИР МУРОЖААТИ ЭЪТИБОРДА

Юртимиз иқтисодий қудрати беvosита тадбиркорликни ривожлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга боғлиқ. Шу боис сўнгги йилларда давлатимиз томонидан эркин бизнес муҳитини яратиш, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш бўйича кўплаб фармон ва қарорлар қабул қилинган тадбиркорларимиз учун янги даврни бошлаб берди.

Айни пайтда тадбиркорликка рўхсат берувчи ҳужжатларни олиш тартиби сезиларли даражада соддалаштирилди. Солиқ тизими тубдан ислох қилиниб, тегишли ташкилотлар томонидан тадбиркорлик фаолиятини мақсадсиз текширишлар қисқартрилди. Шунингдек, "Ҳар бир оила – тадбиркор", "Yoshlar – kelajagimiz" каби дастурлар тадбиркорлик истагида бўлган фуқароларимизга қўлай имкониятлар яратиш бермоқда.

Афсуски, шундай бўлсада жойларда тадбиркорлар фаолиятига сабабсиз тўсқинлик қилиш, айрим ташкилот раҳбарларининг бюрократия, тамағирликка қўл уриш ҳолатлари ҳали ҳам учраб турибди. Шу каби муаммоларни тизимли равишда, теъорик билан ҳал этиш, тадбиркорларга чинакам кўмак бериш мақсадида жорий йилнинг 14 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Фармонга мувофиқ, барча ҳудудларда мутлақо янги тизим асосида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари ташкил этилди.

Бугунги кунда ушбу Фармон доирасида республикамизнинг барча ҳудудларидаги каби Олмазор туманида ҳам Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Кўни кеча Тошкент тиббиёт коллежида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Олмазор туманидаги Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси томонидан туман тадбиркорларини қизиқтирган масалалар ва муаммолар юзасидан очик мулоқот ўтказилди. Туман тадбиркорликка кўмаклашиш маркази, инвестициялар ва савдо, адлия, солиқ инспекцияси, қурилиш, давлат қадастри органлари, банк ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар, маҳаллалар фаоллари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган мулоқотда туманда бўлаётган

ўзгаришлар, тадбиркорларнинг ўз бизнесини юритиш, ривожлантириш ва кенгайтириш йўлида яратилган кенг имкониятлар хусусида маълумотлар бериб ўтди. Шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагида бўлган ёшларга тегишли маслаҳатлар берилди.

– Тадбиркорлик фаолиятини 2007 йилда бошлаганим, – дейди Олмазор туманидаги "Сувнегосервис" МЧЖ раҳбари Алишер Мирзакаримов. – Корхонамиз автомобиллар учун махсус техникалар ишлаб чиқаришга иختисослашган. Бирок айрим сабаблар билан 2017 йилда суд қарорига биноан корхонамиз хатланди ва бандлаб қўйилди. Оқибатда 50 нафарга яқин ходим ишсиз қолди. Ўтган икки йил давомида бормади, югурмаган жойим қолмади. Яқинда Президент Фармони ижроси доирасида ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Олмазор туманидаги Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонасига мазкур муаммо юзасидан мурожаат қилган эдим. Қабулхона томонидан мурожаатим ўрганилиб чиқилди. Муаммо ижобий ҳал қилингани туфайли корхонамиз фаолияти яна қайта тикланмоқда. Ишчиларимиз ўз иш жойига қайтмоқда. Бунинг учун ушбу қабулхона жамоасига ўз ташаккурини билдираман.

Очиқ мулоқот довомида "business.gov.uz" ягона интерактив портал орқали мурожаат қилиш тартиблари тушуштириб берилди. Ариза берувчи ўзининг шахсий кабинетини орқали мурожаатнинг кўриб чиқиши жараёнини реал вақт режимида кузатиб бориши мумкинлиги таъкидланди. Шунингдек, Олмазор тумани бўйича тадбиркорлардан келиб тушаётган мурожаатларнинг 75,4 фоизи ижобий ҳал этилганлиги атрофида таҳлил қилинди. Вақт талаб этиладиган мурожаатлар назоратда тургани ҳақида маълумот берилди.

**Кобилжон АТАХАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Бош вазирининг Тошкент шаҳар Олмазор туманидаги
Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб
чиқиш қабулхонаси мудири**

ИННОВАЦИОН ИШЛАНМАЛАР УЧУН ҲАМ ИНВЕСТИЦИЯЛАР КЕРАК

Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида юқори технологиялар яратиш учун сармоя киритишга бағишланган 3-и "Инвестициялар, инновациялар, ахборотлаштириш" анъанавий учинчи кўргазмаси бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари қўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш, Инновацион ривожланиш, инвестициялар ва ташқи савдо, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазириликлари, Ўзбекистон давлат божхона қўмитаси мутахассислари, Тошкент ахборот технологиялари университети талабалари иштирок этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари қўмитаси раиси Илхом Абдуллаев замонавий рақамли иқтисодиёт шароитида инвестициялар, инновациялар ва ахборотлаштиришнинг ўзаро боғлиқлиги ҳақида сўзлаб берди ҳамда юртимизда, жумладан, юқори технологиялар соҳасида инвестиция салоҳиятини юксалтиришга катта эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Янги сармоядорлар жалб этилмоқда, мамлакатимиз иқтисодиётининг турли тармоқларини ривожлантириш учун зарур технологик ишланмалар қўлланилмоқда. Шундай бўлсада, мавжуд барча имкониятлардан фойдаланилмапти. Биринчи навбатда 3-и элементларидан қай бирини ривожлантириш кераклиги, бунинг учун нима қилиш лозимлигини аниқлаш керак. Ўшбу муаммони ҳал этиш мақсадида IT мутахассисларни тайёрлайдиган олий таълим муассасаларининг илмий-тадқиқот салоҳиятидан фойдаланиш даркор.

Анжуман қатнашчилари инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш, стартаплар яратиш, иختисослашган давлат порталлари орқали сармоядорларни жалб қилиш истиқболларига оид масалаларни муҳокама қилди.

Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ректори Тўлқин Тешабоев ушбу таълим муассасасининг иннова-

цион фаолияти ҳақида сўзлади, инвестициялар етишмаслиги инновацияларни жорий қилишга тўсқинлик қилишини қайд этди. Масалан, талабаларнинг бир неча истиқболли лойиҳалари бор, лекин уларда инвестиция йўқ. Чунки сармоядорлар ўз капиталини инновацион ишланмаларга эмас, тайёр маҳсулотга киритишни афзал кўради.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда хориқий сармоядорлар билан ҳамкорлик қилиш учун қўлай шароитлар яратиш, йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга маълумот бўлган ташкилот ва муассасалар ҳамкорлигини мустақамлаш зарурлиги қайд этилди.

Шунингдек, божхона идорасида амалга оширилаётган экспорт-импорт операцияларини такомиллаштиришга қаратилган "Ягона меҳнат тизими" идораларо дастурий комплекси ва "Ягона дарча" комплекси тақдими ҳам бўлиб ўтди.

Роман БОҒДАРЧУК



"Ҳар бир оила – тадбиркор" дастури – амалда

ЁШ ВА ИЖОДКОР ОИЛАЛАР

Пойтахтимизда ёш оилаларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш, уларга қўшимча даромад олиш имкониятини яратиш бўйича мақсадли ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 7 мартдаги "Ҳудудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

"Ҳар бир оила – тадбиркор" дастури асосида Юнусобод тумани молия бўлими қошида оилавий тадбиркорликни ва аҳолини ўзини ўзи банд қилишни ривожлантириш бўйича сектор ўз фаолиятини бошлади.

– Унинг мутахассислари 3 йилдан ортқ бўлмаган муддатга 3-6 ойлик имтиёзли давр билан йилига 8 фоизлик ставка бўйича фуқароларга кредитлар ажратишда амалий ёрдам кўрсатмоқда, – дейди Юнусобод тумани молиявий бўлимининг масъул ходими Баҳром Умаров. – Ўтган ойда давомида 467 та ташаббускор оила 27,6 миллиард сўмлик имтиёзли кредитларни олди. Бундай салмоқли маблағлар ажратилгани туфайли кўплаб оилалар, айниқса, ёш оилалар ҳунармандлик, чорвачилик, паррандачилик, қандолатчилик маҳсулотларини пишириш, пойабзал тикиш, тикувчилик, металлдан буюмлар ясаш, ёғоч ўймакорлиги, безак гуллари ва ўсимликларни ўстириш билан шуғуллана бошлади, гўзаллик салонларини очди.

Мисол учун МДУнинг Тошкентдаги филиали амалий математика ва информатика факультети талабаси Алисия Саъдуллаеванинг самарали фаолиятини кўриб чиқайлик. 30 миллион сўм ҳажмидаги имтиёзли кредит эвазига бу қиз Хитойнинг оммалашган "Ваоу" брендининг замонавий тикув машиналарини ва дазмоллаш ускуналарини харид қилди. Улар замонавий дизайн, юқори унумдорлиги, кўп функционаллиги билан ажралиб туради. Пухталик билан йўлга қўйилган оилавий бизнес туфайли Юнусобод туманидаги "Адолат" маҳалласида истиқомат қилувчи саккиз нафар аёл иш билан таъминланди.

– Биз кенг турдаги хотин-қизлар, эркаклар, болалар либослари ва махсус кийимларни тикамиз, кўйлақ, костюм, чопон ва куртқаларни таъмирлаймиз, – дейди "Family looook" оилавий корхона раҳбари Алисия Саъдуллаева. – Юқори меҳнат унумдорлиги туфайли ҳозирги пайтгача биз катта ҳажми маҳсулотларни сотдик, берилган кредитнинг бир қисми қопланди.

МДУнинг Тошкентдаги филиалининг яна бир талабаси Тамिला Салидинованинг лойиҳаси ҳам муваффақиятли бўлди. 30 миллион сўмлик имтиёзли кредит ҳисобига бу қиз тўққизинчи мавзеда гўзаллик салони оchild, унда кенг турдаги сартарошлик ва косметология хизматлар кўрсатилади. Бугунги кунда ёш тадбиркорнинг салоинида саккиз киши доимий иш билан таъминланган.

Ҳ.УБАЙДУЛЛАЕВ

Маълумки, ҳар бир ривожланаётган давлат ҳаётида сайлов қонунчилиги мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим ўрин тутди. Халқнинг сиёсий маданияти, сиёсий фаоллиги сайлов жараёнининг энг муҳим тамойилларидан биридир.

Мана йўналиш маълумки сайлов тизимини, ҳусусан, унинг муҳим йўналиши бўлган демократик сайлов тизимини шакллантириш бўйича кенг қўлламоли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда у бир қатор сайлов ҳужжатлари мажмуини ўзидан бирлаштирди. Демократик, эркин ва адолатли сайловларни ўтказишни мезон ва стандартлари БМТ, ЕХТТ ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳужжатларида ўз аксини топган.

Миллий сайлов қонунчилиги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, сайлов тўғрисидаги қонунлар, шунингдек, бошқа қатор қонун ҳужжатларидан иборат. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатимиз сайлов қонунчилиги тизимининг асоси саналади. Унинг алоҳида боби сайлов тизимига бағишланган. Бундан ташқари, "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мурожаат қилинган. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вақилига орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Иркин камситишнинг барча турларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция, Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция (CEDAW), Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция, БМТ Сайловлари халқаро қурашги принципларининг декларацияси, Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенцияси, Янги Европа учун Париж ҳартиясини, ЕХТнинг Инсонийлик мезонлари бўйича конференцияси Копенгаген кенгашининг ҳужжати шулар жумласидан.

Ўзбекистон Республикаси юқорида номлари зикр этилган барча халқаро шартномаларга қўшилган. Мамлакатимиз Конституцияси муқаддаси ҳамда 17-моддасида халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган бошқа қоидалари ва нормалари устуворлиги тан олинган. Ўзбекистон миллий сайлов тизимини шакллантириш жараёнида халқаро сайлов стандартларининг асосий талаблари инобатга олинган.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг алоҳида 23-боби айнан, сайлов тизимига бағишланган. Унда Президент сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқори Кенгашига, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов масалалари тартибга солинган эди. Конституциянинг 117-моддасига мувофиқ, сайловлар умий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Ўзбекистон Республикасининг ўш шиккиз ёшга тулган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Умуман, сайлов ҳуқуқи фуқароларнинг жиҳси, ирки, миллати, тили, дини, икътимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мақомида катъ назар таъминланади. Миллий сайлов қонунчилигининг босқичма-босқич тақомиллаштирилиши, унинг халқаро стандартлари билан янада уйғунлаштирилиши ва янада мукамиллаштирилиши Ўзбекистонда амалга оширилган тизимли ислохотлар билан узвий ҳолда олиб борилмоқда.

Шу боис, сайловларга тайёрларлик қўриш ва уни ўтказишнинг халқаро меъёрлари ҳамда демократик принципларига жавоб беришида сайлов қонунчилиги катта аҳамият касб этади. Мазкур жараёнинг давлат сиёсати даражасида турганилиги боис ҳам Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномада Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш вазифаси қўйилган эди.

Шунингдек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол тадбиркорлик, инновациялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури ижросини таъминлаш, давлатимиз раҳбари томонидан белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда сайлов қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини тақомиллаштириш вазифалари белгиланган бўлиб, унда ҳам Сайлов кодексини ишлаб чиқиш масаласи кўтарилган.

Маълумки, демократик давлатларда сайлов институтининг аҳамияти кўпайтаётганда намоён бўлади: биринчидан, сайлов орқали давлат ҳокимиятининг олий органлари ва маҳаллий вакиллик органлари шакллантирилади. Бунда давлат тизимига кирувчи ҳар қандай орган эмас, балки унинг олий ҳокимият органи ва маҳаллий вакиллик органлари, яъни бевосита халқ вакиллари орасидан сайлаш ёки таъинлаш йўли билан шакллантириладиган органлар назарда тутилди; иккинчидан, сайлов ҳокимиятини шакллантириш учун курашадиган сиёсий қўшларнинг қонуний йўли билан шаклланиши ва соғлом рақобат муҳитининг вужудга келишига ҳизмат қилади; учинчидан, сайлов жараёнининг жорий қилиниши фуқаролар сиёсий фаоллигининг ошиши, ҳуқуқий онги ва сиёсий маданиятининг янада юксалишига ҳизмат қилади.

Бугунги кунда давлат ўз миллий ҳуқуқий тизими ва унинг учун мақбул қонунчилик базасини яратар экан ўзи танлаган йўлининг истиқболлини ҳақонинг глобаллашуви жараёнига билан уйғунликда кўрмаслиги мумкин эмас. Халқаро ҳуқуқнинг миллий ҳуқуққа нисбатан таъсири анча сезиларли ва муқаррабдир. Халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар даражасида бошқа мамлакатларнинг умумлаштирилган таъриби миллий ҳуқуқ ва қонунчилик тизимини қўллаш самарали моделларини кўриб чиқиш чоғида кенг тарқалган халқаро тақрирларнинг имконини беради. Демократлашуви миллий институтлар қайта шаклланишида намоён бўлади ва биринчи галда инсон ҳуқуқлари ҳамда

эркинликларини рўёбга чиқариш мақсадини назарда тутди.

Мамлакатимиз сайлов қонунчилиги миллий ҳуқуқий тизимдаги энг динамика ва ички ривожланаётган тармоқлардан бири ҳисобланади. Халқаро сайлов стандартлари сайлов соҳасидаги ўзгаришларнинг мустаҳкам асоси ва мезонларидан бирига айланган. Улар демократик сайловларга тайёргарлик қўриш ва уларни ўтказишда очкилик ва ошқоралик, барча даражадаги сайлов комиссияларининг фаолиятида қонунчилик, коллегиялик, мустақиллик ва адолатликка риоя қилиш каби ҳуқуқий категорияларни ўзидан мустақимлаштирган янги Сайлов кодексига Ўзбекистон Республикасининг сайловлар тўғрисидаги амалдаги "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги, "Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги, "Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашига сайлов тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги қонунлари унфикация қилинди. Шунингдек, халқаро сайлов стандартларига амал қилган ҳолда ишлаб чиқилган диққатга сазовордир.

Сайлов кодекси ишлаб чиқилди ҳамда дунёдаги 50 дан ортиқ давлатлар, ҳусусан, Франция, Нидерландия, Канада, Италия, Швеция, Бельгия, Польша, Албания, Беларусь, Озарбайжон каби мамлакатларнинг сайлов кодекслари ва қонунлари асосида тайёрландики, ҳозирги вақтда Франция, Бельгия, Польша, Албания, Арманистон, Озарбайжон, Болгария, Грузия сингари 40 та давлат ўзининг ягона Сайлов кодексига эга.

Янги Кодекс 18 боб, 101 моддадан иборат бўлиб, қуйидаги янги қоидалар билан янада тақомиллаштирилди. Жумладан,

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

Ўзбекистон экологик ҳаракати бугунги кунда сиёсий партия мақомига эга бўлиб, Қонунчилик палатасидаги депутатлар миқдори 150 тага етказилди. Сайловчиларнинг Ягона электрон рўйхатини жорий қилиш қоидалари қонун билан тартибга солинди, ягона ҳужжат орқали "Сайлов варақаси" деган тўшунча бекор қилиниб, сайлов бюллетенида мuddатидан олдин овоз бериш ва сайлов кучи овоз беришда асосий ҳужжат сифатида фойдаланиш қоида қайд этилди. Маълумки, XXI аср — замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асридир. Мамлакатимиз сайлов амалиётига замонавий ахборот технологиялари тобора кенг қилиб бораётгани, илдан йилга сайловчиларнинг сайлов жараёнига нисбатан талабчанлиги тобора ошаргани, шунингдек, сайловга нисбатан жамоатчиликнинг ишончли янада юксалтиришга мумкин янгилик бўлди, десак муболага бўлмайди. Бугунги кунда Президентимизнинг "Сайлов жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган ҳамда мазкур кодекснинг 14-моддасида "Марказий сайлов комиссиясининг вазифалари", "Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини шакллантириш ва ундан фойдаланиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари" режасини қайд этилганлиги ҳам ўзига хос янги жараёнлар. Шунингдек, кодексдаги 28-моддасида белгиланганидек: Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати ваколатли давлат органларининг ахборот базаларига мурожаат қилиш ҳуқуқлари, уларнинг умий ва вақтинча яшаб жойлари манзиллари ҳақидаги ахборотини ўз ичига олган давлат ахборот ресурслари. Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати ваколатли давлат органлари томонидан тақдим этиладиган ахборот негизида шакллантирилади ва янгилаб турилади, сайлов кампанияси даврида эса тегишли участка сайлов комиссиялари томонидан аниқлаштирилади.

Ҳар бир участка сайлов комиссияси тузилганидан кейин уч кун ичида Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатида тақсимланган мазкур участка сайловчиларнинг дастлабки рўйхатини олади. Бу эса, мазкур йилдаги сайлов жараёни техник-технологик жиҳатдан янгилаш усулда амалга оширилади. Жумладан: сайлов участкасида овозларни санаб баённомасининг нусхасини дарҳол жойлаштириш тартиби белгиланган, бу ўз вақтида шаффофликни, очкиликни ва адолатли таъминлашга ҳизмат қилади. Чунки, овоз бериш тугангандан кейин участка сайлов комиссияси томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар кўрсатилган сайлов кучи сайлов участкаларида Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатидан олинган сайловчилар рўйхатларидан фойдаланилади.

Шунингдек, сайловларни ўтказиш ёки ташкил этишнинг бошқа масалалари юзасидан жиҳсоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби қилинган.

Этиборли жиҳати шундаки, процессуал, яъни бевосита сайлов жараёни билан боғлиқ бир қатор янги қоидалар жорий этилгани таҳсинга сазовор. Масалан Сенат аъзоларини Кодекс даражасида сайлаш масаласи қиритилмоқда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари томонидан участка сайлов комиссияси аъзоллигига номзодлар бўйича тақлифлар қиритиш тартиби ҳам ўзига хосдир. Эндиликда, мабодо Қонунчилик палатасига, маҳаллий Кенгашларга сайловни бир вақтда ўтказиш тўғри келиб қолгудек бўлса, ягона сайлов участкалари тузилади. Кодекснинг 7-боби "Сайлов кампанияси бошланганини эълон қилиш", сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этиши" қоидаларига бағишланган бўлиб, 36-моддага қўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Қонунчилик палатаси

депутатлари ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланганлиги уларнинг ваколатлари мuddати тугашидан камидан уч ой олдин Марказий сайлов комиссияси томонидан оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

37-моддада эса, "Номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи"га бағишланган бўлиб, унга биноан, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод, маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар эгадир.

Сайлов комиссияси аъзолари учун янги талаблар ўрнатилгани ҳам мазкур жараёндаги ислохотлардан биридир. Бунда номзодларнинг яқин қариндошлари ва ишончли вакиллари, шунингдек, номзодларга бевосита бўйсунувчи шахслар сайлов комиссиясининг аъзолари бўлиши мумкин эмаслиги белгиланган. Номзодлар ишончли вакилларининг Ўзбекистон Республикасидаги сафар ҳаражатлари сайловни ўтказиш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан тўлашни тартиби йўлга қўйилмоқда.

Мамлакатда партиялараро соғлом рақобатни яратиш ва сиёсий партияларни янада фаолаштиришга, сайловчиларнинг ҳуқуқий маданияти ва сиёсий фаоллиги ошишига, кучли фуқаролик жамиятига эга демократик ҳуқуқий давлат сифатида дунё ҳамжамиятида мамлакатимиз нуфузи ошишига замин яратилади. Зеро, фуқароларимизнинг сайловда фаол иштирокини таъминлаш мақсадида ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жинойатларни содир этган шахсларнинг сайловда иштирок этишини чекловчи нормалар чиқариб ташланганлиги, мuddатидан олдин овоз бериш сайловга 3 кун қолганида тугаши ҳамда Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлигига номзодларнинг ишончли вакиллари сонини 3 дан 5 кишигача қўйирилади ҳам эътиборлидир.

Жорий йилда аёлларимизнинг сиёсий фаоллигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон хотин-қизларнинг давлат қиритилишидаги иштирокини кенгайтириш мақсадида сиёсий партиялар фаолиятида аёллар роли кўчатирилгани эътиборга лойиқдир. Жумладан, мазкур кодекснинг 70-моддаси "Сиёсий партиялар томонидан депутатликка номзодлар кўрсатиш" деб номланган бўлиб, унга қўра, депутатликка номзодлар кўрсатиш сайловга олтиш беш кун қолганида бошланади ва сайловга қирқ беш кун қолганида тугаши белгиланган.

Депутатликка номзодлар кўрсатиш сиёсий партияларнинг юқори органлари томонидан амалга оширилади. Сиёсий партиялар депутатликка бир юз эллик нафар номзод, яъни ҳар бир сайлов округидан биттадан депутатликка номзод кўрсатишга ваколатлидир. Бир шахс фақат битта сайлов округидан депутатликка номзод этиш кўрсатилиши мумкин. Депутатликка номзодларни танлаш тартиби сиёсий партиялар томонидан белгиланади.

Аёлларнинг сони сиёсий партиядан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камидан ўттиз фоизини ташкил этиши керак. Сиёсий партиялар ўз партияси аъзоларини ёки партиячиларини депутатликка номзод этиш кўрсатишга ваколатлидир. Депутатликка номзодлар кўрсатиш тўғрисида баённома тузилади. Шундай демократик тамойилларни ўз ичига олган сайлов жараёнида фуқароларимизнинг нафақат сиёсий маданияти балки ҳуқуқий тарбияси ва ҳуқуқий маданияти ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, мазкур кодекснинг 103-моддасида Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик масаласи қайд этилган бўлиб, сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Сайлов кучи ва овоз бериш бошлангандан бир кун олдин жамоатчилик фикри сўрвлари натижаларини, сайлов натижалари прогнозларини, ўтказиладиган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни эълон қилиш, шу жумладан ахборот тармоқларида, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғига жойлаштириш таққиланади. Ҳуқуқий адабиётларда таъкидланганидек, халқаро сайлов стандартлари деганда, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқига оид бўлган сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича халқаро ҳуқуқ принциплари билан бирга, халқаро сайлов стандартлари ҳам давлатга, ҳам фуқароларга қаратилган. Бунда давлат фуқароларини демократик сиёсий жараёнининг табиғатига монанд бўлган объектив ҳуқуқ билан таъминлашга мажбур бўлади. Фуқароларга эса, муйайн юридик имкониятлар, яъни субъектив сиёсий ҳуқуқлар берилиши кафолатланади.

Хулоса ўрнида, жорий йилдаги сайлов жараёни ҳар томонлама халқаро стандартларга мос ва хос ташкил этилишига ҳуқуқий асослар яратилган. Халқаро сайлов стандартлари деганда, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини амалга ошириш ва сайловларни ташкил қилиш ҳамда ўтказишга оид халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф принциплари мажмуасидан иборат жараён назарда тутилган. Халқаро ҳуқуқнинг асосий мажбурий қучи, халқаро ҳамжамиятнинг муайян қоидаларини ўрнатиди давлатларнинг ўз хошиянига қўра рўзи бўлиши билан изоҳланади. Бундай келишув ва белгиланган аник нормаларга риоя этишининг мумимлиги халқаро ҳамжамияти иштирокилари ўртасидаги турли алоқаларни тартибга солиш эҳтиёжини тудуриувчи ижтимоий ривожланишнинг объектив қонунлари билан белгиланади. Айнан унинг кучи халқаро ҳужжатлар қоидаларини давлатларнинг ўз хошияни билан ижро этишига таънади. Яъни, нафақат мажбурий, шунингдек, тасвиый характердаги халқаро ҳужжатлар ҳам катта аҳамиятга эга. Икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар ва халқаро ҳуқуқий одаларда ўзаро мажбуриятлар белгиланган бўлиб, Миллий сайлов қонунчилиги нормаларига нисбатан халқаро сайлов стандартлари устулик касб этади. Булар Ўзбекистон Республикаси томонидан имзоланган ҳужжатлар ва халқаро шартномаларга мувофиқ конвенцион нормалар ва принципларни акс эттирган стандартларни камраб олади. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда янги қабул қилинган Сайлов кодексини замонавий халқаро сайлов стандартлари билан узвий боғланган бўлиб, ўзаро мутаносиб равишда тақомиллаштириш бормоқда.

Феруза МУХИТИДНОВА,
ТДЮУ профессори, юридик фанлари доктори

Сергели тумани ҳоқимининг Қ А Р О Р И

СЕРГЕЛИ ТУМАНИДА ИЖТимоий МУХОФАЗАГА МУҲТОЖ, ИШ ТОПИШДА ҚИЙНАЛАЁТГАН ВА МЕҲНАТ БОЗОРИДА ТЕНГ ШАРТЛАРДА РАҚОБАТЛАША ОЛМАЙДИГАН ШАХСЛАРНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ УЧУН ИШ ўРИНЛАРИНИНГ 2020 йил учун энг кам сонини белгилаш, заҳирага олиш ва банд қилиш бўйича қарори

"Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида" Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майдаги Қонунининг 17-моддаси, "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 11 июлдаги Қонунининг 25-моддаси, "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 17 апрелдаги Қонунининг 9-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳолининг ҳолатини яхшилаш, катталарини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббий-ижтимоий ёрдам қўрсатиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2016 йил 22 февралдаги ПҚ-4782-сон Қарорини, "Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирилик фаолиятини ташкил этишни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2016 йил 24 февралдаги ПҚ-2498-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорига тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини энг кам сонини белгилаш ва заҳирага қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомга мувофиқ ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорига тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини энг кам сонини белгилаш ва заҳирага қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомга мувофиқ ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган банд қилиниши керак бўлган иш ўринлари сонини ва уларга қўйиладиган талабларни белгилаш бўйича туман маҳсус комиссиясининг 2019 йил 30 августдаги баёнини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М:

1. Тумандаги ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорига тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам миқдорини белгилаш бўйича комиссия тарқиб 1-иловага мувофиқ; Сергели туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорига тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг 2020 йил банд қилиб қўйиш лозим бўлган қорхона, ташкилот ва муассасаларнинг рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Сергели туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун тумандаги 250 та қорхона, ташкилот ва муассасаларда аҳолининг қуйидаги тоифалари учун ҳодимларнинг ўртача сонининг 10 фоизи миқдорига, яъни 3010 та иш ўринлари заҳирага олиниб, банд қилиб қўйилсин.
Шу жумладан:
14 ёшгача болалари бўлган ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун 23.5 фойз (709 киши); умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилар 42.6 фойз (1 284 киши); сафарбарлик чакривури захирасида зиммати ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафарларидан мuddати харбий хизматдан бўшатишган шахслар 7.6 фойз (231 киши); ногиронлар учун 3.3 фойз (100 киши); пенсия олди ёшдаги шахслар учун 16.8 фойз (507 киши); жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига қўра тиббий тусдаги мажбурилов қоралари қўлланилишдан озод қилинган шахслар, 3.4 фойз (104 киши); одам савдоси қурбонлари учун 2.5 фойз (75 киши).
3. Шахсларнинг қўрсатиб ўтилган тоифалари учун иш ўринлари санитария-гигиена меъёрларига ва ходим ўз меҳнат мажбуриятларини тўқисиз бажаришини таъминлайдиган меҳнат қилиш шартларига, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси ва меҳнат тўғрисидаги бошқа қонун ва қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлиши керак.
4. Заҳирага қўйиладиган касблар ва лавозимлар рўйхати: муҳандислар, иктисончилар, ҳисобчи, ҳисобчи-тафтишичи, ҳуқуқшунос, зоотехник, агроном, шифоқдор, ҳамшира, қичқ тиббий ходим, иш юритувчи, ўқитувчи, тарозибон, ҳайдовчи, ташувчи, фаррош, ўтёқар, обдонлаштириш ишчиси, ошпаз, ЭХМ оператори, ўтёқар, ишчи, боғбон, қоровул.
5. Иш ўринларини заҳирага олиб, банд қилувчи қорхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари; ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорига тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни иш билан таъминлаш учун 2019 йил якунларидан 10 кун олдин банд қилинган иш жойлари умумий миқдорининг камидан 25 фоизи учун, 2020 йилнинг 10 апрелдан кейинки иш жойларининг қолган 75 фоизлик қисмини барпо этиш (ажратили ёки банд қилиб қўйиш) тўғрисидаги, яъни ҳар бир тоифа бўйича иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касб ва лавозимлар, мутахассисликлар рўйхати Тошкент шаҳар Сергели тумани Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига тақдим этилсин.
- Иловадаги шахслар учун иш ўринлари санитария-гигиена нормалари ва меҳнат шартларига мувофиқлаштирилиши таъминлансин.
6. Муҳтожлар учун иш ўринларини заҳирага қўйиш бўйича Сергели туман ҳоқимининг қарорини бажармаган ташкилотнинг мансабдор шахсига, шунингдек, уларни ишга қабул қилиш асосис равишда рад этилганлиги учун қонун ҳужжатларига белгиланган тартибда маъмурий жавобгарлик белгиланган.
- Муҳтожлар учун иш ўринларини заҳирага қўйиш бўйича туманлар (шаҳарлар) ҳоқимларининг қарори бажарилмаганили учун жарима тулаш ташкилотни заҳирага қўйиладиган иш ўринларининг белгиланган сонини яратиш бўйича мажбуриятдан озод қилмайди.
7. Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорига тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахслар учун банд қилиб қўйиш иш ўринларини иловада белгиланган миқдордан ортиқча ташкил этган қорхона, ташкилот ва муассасалар ўшбу иш ўринларини ташкил этишга сарфланган маблағларнинг бир қисмини Сергели туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази билан тузилган шартномага асосан бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш ҳуқуқига эга.
- Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазириликнинг 2019 йил 31 майдаги "Ўзбекистон Республикаси бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисида ижтимоий тасдиқлаш ҳақида"ги 3163-сонли бўйруғига асосан назорат қилиш тартиби тўғрисида мансуб шахсларни қовталган энг кам сондан ортиқ миқдорда ишга қабул қилган қорхона, ташкилот ва муассасаларга — ҳар бир ходим учун 12 ой давомида ҳар ойда энг кам ойлик иш ҳақининг 2 (икки) баравари миқдорига Сергели туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан ҳақ тўлансин.
8. Сергели туман ҳоқимлиги Ахборот ва коммуникация технологияларини ривожлантириш бўлими (М.Зияев), ҳоқимлик Матбуот хизмати (О.Насимов) зиммасига:
- Мазкур қарор Тошкент шаҳар ҳоқимлигининг "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.toshkent.uz (www.sergeli.toshkent.uz) веб-сайтига жойлаштирилсин.
9. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб қучга қиради.
10. Мазкур қарорнинг ижроси Сергели туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази директори С.Ражабов, бажарилишини назорат қилиш Сергели туман ҳоқимининг биринчи ўринбосари Х.Ярқуллов зиммасига қўйилсин.

Сергели тумани ҳоқими
Б.Шамуратов

2019 йил 30 сентябрь

КОРЕЯЛИК ЖУРНАЛИСТЛАР ЮРТИМИЗДАГИ ОАВ ҲАҚИДА ҚАНДАЙ ФИКРДА?

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси билан Корея журналистлари ассоциацияси ўртасида журналистика соҳасида ҳамкорлик қилиш бўйича келишув имзоланган эди. Шунга мувофиқ кун кеча юртимизга Корея журналистлари ассоциацияси президенти Жунг Кю Сунг бошчилигидаги бир гуруҳ ОАВ вакиллари ташриф буюрди.

Маълумки, кўплаб соҳаларда халқаро ҳамкорлик амалга ошириб келинмоқда. Мазкур амалий тадбир ҳам айна мақсадни кўзлаган. Дастлаб корейлик журналистлар пойтахтимиздаги Корей маданият марказига борди ва ўшбу марказда яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишди. Бу ерда мазкур марказ раиси Виктор Пак Ўзбекистонда истиқомат қилаётган корейлик миллатига мансуб фуқаролар билан ишлаш, уларнинг жамиятдаги ўрни, олиб бораётган фаолияти хусусида сўзлаб берар экан, юртимизда турли миллат ва элат вакиллари учун яратилган имкониятлар хусусида фикрларини билдирди. Шундан сўнг меҳмонлар Тошкент вилояти ҳудудига жойлашган "Хван Ман Гым" музейида ҳам бўлишди.

Корея журналистлар ассоциацияси президенти Жунг Кю Сунг ва соҳа мутахассислари "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари таҳририятида бўлиб, журналистлар ва бир қатор босма ОАВ бош муҳаррирлари ва журналистлар билан учрашди. Юртимизга амалий ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш, муста

Она тилим – олтин сандигим

ҲАР БИР МИЛЛАТНИНГ ДУНЁДА БОРЛИГИНИ КЎРСАТАДУРГАН ОЙНАИ ҲАЁТИ ТИЛДИР

Дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири – ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзлик ва мустақил давлатчилик тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, мамлакатимизнинг сиёсий-ижтимоий, маънавий-маърифий тараққиётида гоят муҳим ўрин эгаллаб келаётган буюк қадриятдир.

Буюк маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг сўзлари билан айтганда “Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурган ойнаи ҳаёти тил ва адабиётдир. Миллий тилни йўқатмақдир”...

Бу йил Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги қонуни қабул қилинганига ўттиз йил бўлди. Мазкур тарихий ҳужжатга биноан ўттинчи йиллар давомида она тилимиз мустақам ҳуқуқий асос ва юксак мақомга эга бўлди.

Ҳозирги кунда ўзбек тили ҳаёти-мизнинг барча жабҳаларида – давлат ва жамият бошқаруви, давлатлараро муносабатлар, илм-фан, таълим-тарбия, тиббиёт, маданият ва санъат соҳасида фаол қўлланилмоқда. “Давлат тили ҳақида”ги қонун қабул қилинганининг ўттиз йиллигини муносиват нишонлаш мақсадида Республика Маънавият ва маърифат маркази, унинг Тошкент шаҳар бўлими ва Олмазор туман бўлими билан ҳамкорликда “Боқийсан, ифтихоримсан она тилим!” шиори остида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Тадбирни Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари М.Ҳожиматов очиб берди.

– Тил миллатнинг маънавий бой-

лиги. Нафақат муомала воситаси, балки халқнинг маданияти, урф-одади, унинг турмуш тарзи, тарихидир, – деди М.Ҳожиматов. – Ҳар бир халқ, ҳар бир элат ўзи ҳурмат ва эҳтиром қиладиган тилга эга. Тилда ана шу тилнинг ижодкори бўлган халқ, элатнинг тарихи ва маданияти акс этади. Айни замонда, тил ижтимоий тараққиётда улугвор аҳамиятга эга. Ўзбек халқининг, унинг миллий маданияти ва ўзига хослигини ифода этувчи восита бўлмиш ўзбек тилининг ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш, мазкур тилнинг давлат тили мақомида кўрсатган артист Б.Қодирова сўзга чиқди.

Тадбирни янада кўтаринки руҳда ўтишида Юнус Ражабий номидаги мақом ансамбли хонандаси Дилноза Мумтоз, Олмазор туманида жойлашган Абдулла Қодирий номидаги ижод мактаби ўқувчилари, Тошкент ихтисослаштирилган маданият мактаби хонандалари ҳамда Р.Глиэр номидаги республика махсус мусиқа академик лицейининг ўқувчилари томонидан ижодий чиқишлар, куй-қўшиқлар намойиш этилди.

Тадбир доирасида миллийликни ўзида акс эттирган хунармандлик кўргазмаси ҳамда китоб ярмаркаси ташкил этилди.

Муҳайё ТОШҚОРАЕВА



МАРД ВА ЖАСУР ЎҒЛОНЛАР ҚАСАМЁДИ

Буюк саркарда Амир Темуր бобомизнинг мардлиги ва ватанпарварлиги, жасорати ва адолатпарварлигини ёшларимизга ўрнак қилиш мақсадида мамлакатимиздаги барча ҳарбий лицейларга “Темуրбеклар мактаби” деб ном берилган.

Бугунги кунда мазкур мактабларда янгича тизим жорий этилиб, ўқувчиларга таълим берилмоқда. Пойтахтимизда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг “Темуրбеклар мактаби”даги ўқув жараёниларини бунга мисол қилса бўлади. Кунги кеча мазкур мактабга янги қабул қилинган ўқувчиларнинг қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.

— Тадбир айнан соҳибқирон Амир Темури бобомиз ҳайкали қаршида ўтказилишидан кўзланган мақсад ёшларни тарихимизни чуқур ўрганиши, улуг боболаримизга муносиб авлод ва чинакам ватанпарвар бўлиб етишишга қаратишдан иборатдир. Мақсадимизнинг дебочаси айнан шу ердан бошланса ажаб эмас, — дейди Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бўлим бошлиғи Тўлқин Қодиров.

Маросимга ўқувчилар пухта тайёргарлик кўрганлиги уларнинг ҳаракатидан билиниб турди. Дадил-дадил овозда қасамёд қабул қилишидан маълумки, юртга содиқ ўғлонларнинг сафи кенгаймоқда.

Тадбирда Миллий гвардия кўмондони ўринбосари иштирок этиб, ўқув-

чиларни табриклади. Шунингдек, ташриф буюрган ота-оналар ҳам фарзандларига эзгу тилаклар билдирдилар.

— Болалигимдан Ватан ҳимоячиси бўлишни орзу қилиб, мана “Темурибеклар мактаби”га ўқишга кирдим. Шу ерда пухта билим олиб, жисмонан чиниқиб, келажақда Ватанга содиқ ҳимоячи бўлиб етишиш учун кўплаб саралаш босқичларидан муваффақиятли ўтдим, — дейди Примбек Ҳасанов.

— Мен бу кунни бир неча йилдан бери интиқиб кутдим. Ўғлим бу соҳани ўз-ўзидан танламади. Мен ўғлимни иродали бир сўзли қилиб ўстиришга ҳаракат қилдим. Ишончим комилки, у ўз сўзини устидан чиқади ва Ватанимизнинг асл ҳимоячиси бўлиб етишади, — дейди ўқувчилардан бирининг онаси Саодат Чориева.

Тадбир якунида ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари учун Темурийлар тарихи давлат музейига экскурсия уюштирилди.

Жасур ШЕРМАТОВ, Миллий гвардия медиа маркази катта офицери

Спорт янгилликлари

ЁШЛАРНИ БИРЛАШТИРАДИ

Ёшлар пресс-клубида I Ёшлар спорт саммитининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида 2019 йил 19 март кунини ўтказилган видеоселектор йўналишида ёшлар билан ишлашни самарали ташкил этиш, уларнинг маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари, китоб ўқишга қизиқишини ошириш юзасидан 5 та муҳим ташаббусни амалга ошириш бўйича қатор вазифалар белгиланган эди.

Муҳим йўналишлардан бири бўлган спортни янада ривожлантириш мақсадида талаба-ёшларнинг талаб ва тақлифларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт, Олий ва ўрта махсус таълим, Инновацион ривожланиш вазирликлари, Миллий олимпия қўмитаси ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамкорлигида ўтказилаётган I Ёшлар спорт саммитида 100 дан зиёд ёш иштирок этмоқда.

Саммит 2020 йилда Токиода бўлиб ўтадиган XXXII ёшга Олимпия ўйинларига спортчиларни педагогик, жисмоний, биологик, психологик тайёрлаш, Ўзбекистонда спорт туризмни ривожлантириш, инновацион ва бизнес-режалар ишлаб чиқиш, спорт журналистикаси бўйича билим ва кўникмаларни ошириш каби йўналишларда фаолият олиб боради.

Мазкур саммит аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида спортга бўлган муҳаббатни ошириш, жисмоний тарбия ва спорт, туризм, спорт журналистикасини ривожлантириш, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш, ёш авлодни, спортчиларни жаҳон майдонларида юқори натижаларни кўрсатишлари учун ҳар томонлама тайёрлашда ёшлардан олинган тақлиф ва тавсиялар асосида мураббийлар учун илмий-услубий кўнума яратиш ҳамда устувор ва истиқболли йўналишларни белгилаш мақсадида ташкил этилди.

Саммитдаги асосий тадбирлар Бўстонлик туманидаги Ёшлар оромгоҳида бўлиб ўтди. Тадбирнинг очилиш маросимидан сўнг иштирокчилар Ёшлар оромгоҳи томон йўл олди.

Ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда нуфузли халқаро спорт мусобақаларида юксак натижаларга эришган спортчиларнинг бой ҳаётий тажрибаси ва салоҳиятидан кенг фойдаланиш мақсадида таниқли спортчилар билан суҳбатлар, шу билан бирга, турли мавзуларда семинар-тренинглар ўтказилиши режалаштирилган.

ТЕЗКОРЛИК ВА ШИЖОАТ БАҲСИ

Фаргона шаҳридаги “Истиқлол” стадионида ўсмирлар ўртасида енгил атлетика бўйича Ўзбекистон чемпионати ўтказилди.

Ўзбекистон Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда мамлакатимиз енгил атлетика федерацияси томонидан ўсмирлар ўртасида истеъдодли атлетларни саралаш ва уларни терма жамоа тарқибига қўшган ҳолда тахрибларини янада ошириш, нуфузли мусобақаларда муносиб иштирок этишини таъминлаш мақсадида ташкил этилган мазкур чемпионатда 300 нафарга яқин спортчи қатнашди.

Турли масофаларга югуришда Рустам Абдуллаев, Муҳаммад Ҳамзаев, Интизор Шухратова, Алина Мирсодинова ҳамда Шарифа Давронова марра чизигини биринчи бўлиб босиб ўтди. Тўсиқлар оша 110 метрга югуришда Саидидёр Бурҳонов, ўғил болалар ўртасида 100 метр масофага ўтган қизлар баҳсида Шарифа Давроновага тенг келадигани топилмади. 3000 метр масофага спортча юриш бўйича ўтган мусобақада Шероод Зубаев ва Зулайхо Хотамова барча рақибларини ортда қолдирди.

Баландлик ва узунликка сарқашда Улугбек Норматов, Аъзам Тоиржонов, Анна Чикалова, Садиға Алиева шохсуланинг энг юқори поғонасидан жой олди.

Ядро ва копток улоқтиришда Мадамин Сайфуллаев, Асадеб Турдимуродова, Матлуба Кўрғонова ҳамда Ғўлибаева мамлакат чемпионатининг олтин медалини қўлга киритди. Учрашув беллашувларининг ўғил болалар ўртасидаги баҳсида 1507 очко жамғарган Девдас Имомов мутлақ ғолибликни қўлга киритди. Шунингдек, ушбу йўналишда 1822 очкога эга бўлган Анна Чикалова қизлар ўртасида ғолиб деб топилди.

ТЕННИСЧИЛАРИМИЗ МУСОБАҚАНИ ҒАЛАБА БИЛАН БОШЛАДИ

Қарши шаҳрида теннис бўйича “Фьючерс” туркумига кирувчи турнирда биринчи давра учрашувлари ўтказилмоқда.

Ўзбекистон Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, Халқаро теннис федерацияси ва мамлакатимиз теннис федерацияси томонидан ташкил этилган ушбу мусобақада вакилларимиздан ташкари Россия, Беларусь, Қозғистон, Грузия, Украина каби давлатлардан келган теннисчилар ўзаро куч синашмоқда.

Мусобақанинг биринчи даврасида ёш теннисчимиз Олимжон Набиев украинлик Олег Хотковни 6:2, 6:3, Хумоюн Султонов беларуслик Александр Лианенкани 7:5, 6:3, Иброҳимжон Уринов эса россиялик Владислав Свердловни 6:2, 6:1 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Шунингдек, яқкалик баҳсларининг биринчи босқичида вакилларимиздан Санжар Файзиев россиялик Сергей Шпилов билан, Григорий Коробейников эса беларуслик Мартин Борисюк билан рақобатлашди.

(ЎзА)

АҲОЛИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БУРЧИМИЗ

Мамлакатимизда туризмни ривожлантириш ҳамда йўловчилар ташишда сервис хизматини янада ошириш мақсадида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Ана шундай ижобий ишлардан бири Испаниянинг “Tal’go” компаниясидан сота тига 250 км. тезликда ҳаракатланувчи “Ағросйов” электропоезди харид қилинганини айтиш мумкин. “Тошкент–Самарқанд–Бухоро–Қарши” йўналиши бўйича ҳаракати йўлга қўйилган мазкур поезд ҳамюртларимиз билан бирга сайёҳларга ҳам манзур бўлмоқда.

Шу муносабат билан поездларнинг ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида темир йўл атрофидаги маҳаллалар, таълим масканлари, корхона ва ташкилотларда Тошкент транспорт прокуратураси ҳамда Тошкент минтақаси темир йўл Транспортда хавфсизликни таъминлаш бошқармаси Ўзбекистон бекатида бўлинима ходим-

лари профилактик учрашув ва йиғилишлар ташкил этиб келмоқда. Бу каби учрашувларда фуқаролари-мизга темир йўл яқинида чорва молларини боқмаслик, темир йўл панжараларига шикаст етказмаслик, йўловчи вагон ойналарига тош отмаслик, темир йўлнинг белгиланмаган жойларидан кесиб ўтмаслик, темир йўл яқинида маиший чиқиндиларни ташламаслик ҳамда воёга етмаган болаларнинг назоратсиз юрмасликлари бўйича тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Бундан ташқари, мунтазам равишда темир йўл транспортда ташиш фаолиятига хавф солувчи камчиликларни аниқлаш бўйича ҳам ишлар олиб борилмоқда. Аниқланган камчиликларни

ўз вақтида бартараф қилиш чоралари кўрилмоқда. Амалда бажарилаётган чора-тадбирларни барчаси темир йўлларда ҳаракат хавфсизлиги ҳамда фуқароларимизни хавфсизлигини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Тошкент минтақаси темир йўл транспортда хавфсизликни таъминлаш бошқармаси Ўзбекистон бекатида бўлинима оғоҳликка чақириб, белгиланган қоида ва тартибларига эътиборли бўлишларини сўраб қолади.

Бобур МУҲАМАДЖОНОВ, Тошкент минтақаси темир йўл транспортда хавфсизликни таъминлаш бошқармаси Ўзбекистон бекатида бўлинима хуқуқбузарликлар профилактикаси гуруҳи инспектори, лейтенант

Реклама ва эълонлар

“Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 20-моддасида судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланадиган номзодлар захираси зарур билимга эга бўлган, етарли ҳаётий тажрибага, бенуқсон обрў-эътиборга эга юқори мақола юристлар орасидан ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик ихтисослиги бўйича камидан беш йиллик иш стажига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳисобига шакллантирилиши белгиланган.

Ҳозирги кунда фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судларида шаҳар судининг 3 нафар судьялик, Мирзо Улугбек туманлараро судининг 2 нафар судьялик, Учтепа туманлараро судининг 3 нафар судьялик, Миробод туманлараро судининг раиси ва 2 нафардан судьялик, Шайхонтохур туманлараро судининг раиси ва 1 нафар судьялик, Яқкасарой туманлараро судининг раиси лавозимлари бўш (вакант) жойлари мавжуд.

Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 246-уй. Телефон: (8-371) 207-02-31.

“Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри” давлат корхонаси томонидан Юқори Чирчиқ тумани, Барданқўл Қ.Ф.Й, Дўстлик маҳалласи, Нурафшон кўчасидаги уй учун Алимов Зокиржон Тахирджанович номига берилган кадастр ҳужжатлари ва ер участкасига 29.06.2016 йилда берилган ТО 0046632-сонли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳри, Сергели туманидаги 268-мактаб томонидан 2000 йилда Юнусова Хилола Ривожиддиновна номига берилган О’Р-З № 194941 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ
Тошкент шаҳрида 12 октябрь кунини ҳаво ўзағиб туради, ёғингарчилик бўлмади. 12 октябрда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратиши, ифосланган даражаси паст бўлади.